

# **Президент топшириғи ижроси: "Яшил макон" кузги мавсуми учун тайёргарлик ишлари бошланди**



Давлатимиз раҳбари ҳузырида кеча, 11 октябрь куни Туризм ва маданият масканлари имкониятларини түлиқ ишга солиш ҳамда "Яшил макон" кузги мавсумини самарали ташкил этиш юзасидан ўтказилган видеоселектор ииғилишида берилган топшириқларга асосан жори йил 25 октябрдан 1 декабргача юртимизда "кузги дараҳт экиш мавсуми" ўтказилади ва мавсум давомида 85 миллион туп кўчат экиш режалаштирилди.

Топшириққа асосан бугун Термиз туманида кузги дараҳт экиш мавсуми олдидан амалга ошириладиган ишларга старт берилди. Хусусан, туман ҳудудидан ўтувчи М39 ҳалқаро магистрал йўли ёқалари, ташкилот ва корхоналар атрофи тозаланиб, кўчатлар учун ҳандақлар қазиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳокимининг ўринbosари Алишер Амиров ва туман ҳокими Шухрат Назаров томонидан мутасаддиларга мавсум ва ҳудудга мос кўчатларни танлаш, экиш, кўчат ярмаркаларини ташкил этиш, тежамкор суғориш тизимларини ўрнатиш бўйича муҳим топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.